**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси И.У.Маджидовга**

**Ҳурматли Ином Уриншевич!**

Бухоро давлат университети "Мактабгача таълим" кафедраси доценти Г.Ҳасанова ва кафедра ўқитувчиси Г.Ниязоваларнинг 5111800-Мактабгача таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган "Дошкольная педагогика" номли ўқув қўлланмасини Сиз бошқараётган Мувофиқлаштирувчи кенгашда кўриб чиқиш учун юбормоқда. Бухоро давлат университетида ушбу ўқув қўлланмага 100 нусхада эхтиёж мавжудлигини маълум қиламиз.

Тегишли ҳужжатлар илова қилинади.

*Илова __ бет*

**Ректор** **О.Х.Хамидов**

*Ижрочи Р.Г.Жумаев*
*Тел: 65 221-29-03*

**Бухоро давлат университети**
**кенгашининг 2019-2020 ўқув йили**
**11-онлайн йиғилиш баёнидан кўчирма**

Бухоро шаҳри

2020 йил 13 июль
соат 11:00

**БухДУ кенгаши раиси-О.Х. Хамидов**
**БухДУ кенгаши котиби-С.С. Худоев**
**БухДУ кенгаши аъзолари умумий сони: 63 нафар**
**Қатнашди: 58 нафар кенгаш аъзоси ва таклиф қилинганлар (рўйхат асосида)**

**КУН ТАРТИБИ:**

**VIII. Турли масала. 10.** Бухоро давлат университети Мактабгача таълим кафедраси доценти п.ф.н. Г.Хасанова ва кафедра ўқитувчиси Г.Ниязоваларнинг 5111800 – Мактабгача таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган “Дошкольная педагогика” номли ўқув қўлланмасини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги грифини олиш учун тавсия бериш тўғрисида.

**ЭШИТИЛДИ:**

**Р.Ғ.Жумаев** (Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, PhD) – кенгаш аъзоларини Мактабгача таълим кафедраси доценти п.ф.н. Г.Ҳасанова ва кафедра ўқитувчиси Г.Ниязоваларнинг 5111800 – Мактабгача таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган “Дошкольная педагогика” номли ўқув қўлланмасини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига тавсия этиш тўғрисидаги масала билан таништирди.

Мазкур ўқув қўлланмага п.ф.н., доцент Г.Комилова ва PhD Б.Саъдуллаевлар томонидан ижобий тақриз берилганлиги таъкидланди. Шунингдек, мазкур ўқув қўлланма муҳокама қилинган университет ўқув-методик кенгашининг 2020 йил 3 июлдаги 8-сон мажлис баёни билан таништирилди.

Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи Р.Ғ.Жумаев ушбу ўқув қўлланмадан ОТМ талабалари ҳамда кенг китобхонлар фойдаланиши ва айни вақтда бошқа ўқув адабиётларидан мукаммаллиги билан фарқланишини таъкидлаб, мазкур ўқув қўлланмага 100 нусхага эҳтиёж борлигини билдирди.

Кун тартибидаги масала муҳокама қилиниб, кенгаш **қарор қилади:**

1. Бухоро давлат университети Мактабгача таълим кафедраси доценти п.ф.н. Г.Ҳасанова ва кафедра ўқитувчиси Г.Ниязоваларнинг 5111800 – Мактабгача таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган

"Дошкольная педагогика" номли ўкув кўлланмасини бошка ўкув адабиётлардан кўчирилмаганлиги, ундан профессор-ўкитувчи ва талабалар фойдаланишлари мумкинлиги алохида таъкидлансин.

**2.** Бухоро давлат университети Мактабгача таълим кафедраси доценти п.ф.н. Г.Ҳасанова ва кафедра ўқитувчиси Г.Ниязоваларнинг 5111800 – Мактабгача таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган "Дошкольная педагогика" номли ўкув кўлланмасини яратишда белгиланган барча талабларга жавоб берганлиги учун нашрга тавсия этилсин.

**3.** Бухоро давлат университети Мактабгача таълим кафедраси доценти п.ф.н. Г.Ҳасанова ва кафедра ўқитувчиси Г.Ниязоваларнинг 5111800 – Мактабгача таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган "Дошкольная педагогика" номли ўкув кўлланмасини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиклаштирувчи кенгаш мухокамасига тавсия этилсин.

**БухДУ кенгаши раиси** **О.Х. Хамидов**

**БухДУ кенгаши котиби** **С.С. Хулоев**

**Бухоро давлат университети**
**ўқув-методик кенгаш 8-сонли**
**йиғилишининг к ў ч и р м а с и**

**3.07.2020** **Бухоро шаҳри**

**К У Н Т А Р Т И Б И:**

**4. Турли масалалар.**

**4.1.** Мактабгача таълим кафедраси п.ф.н., доценти Г.Ҳасанова ва Г.Ниязоваларнинг "Дошкольная педагогика " (5111800- Мактабгача таълим йўналиши) деб номланган ўқув қўлланмани Республика ОЎМТВ ҳузуридаги ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокомасига тавсия этиш.

**Э Ш И Т И Л Д И:**

**Г.Тоирова (кенгаш котибаси)** Мактабгача таълим кафедраси п.ф.н., доценти Г.Ҳасанова ва Г.Ниязоваларнинг "Дошкольная педагогика " (5111800- Мактабгача таълим йўналиши) деб номланган ўқув қўлланмани Республика ОЎМТВ ҳузуридаги ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига тавсия этиш учун тайёрланганлигини маълум қилди. Ушбу ўқув қўлланмага тақризчи: п.ф.н., доцент Г.Комилова, PhD Б.Садуллаевлар томонидан ижобий баҳо берилганлигини таъкидлади. Ўқув қўлланма муҳокамаси ҳақидаги мактабгача ва бошланғич таълим факультети (2020 йил 5 май) ва Мактабгача таълим кафедраси (2020 йил 1 май) йиғилиш қарори билан таништирди.
Юқоридагиларни инобатга олиб ўқув-методик кенгаш.

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Мактабгача таълим кафедраси п.ф.н., доценти Г.Ҳасанова ва Г.Ниязоваларнинг "Дошкольная педагогика" (5111800- Мактабгача таълим йўналиши) деб номланган ўқув қўлланмани Республика ОЎМТВ ҳузуридаги ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокомасига тавсия этилсин.
2. Ушбу қарорни тасдиқлаш университет Кенгашидан сўралсин.

**Ўқув-услубий кенгаш раиси** **М.И.Даминов**
**Ўқув-услубий кенгаш котибаси** **Г.И.Тоирова**

Кўчирма аслига тўғри

**Ўқув-услубий кенгаш котибаси** **Тоирова Г.И.**